




ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АМАЛАДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Исройлов Х.Т.

БФА-тинлович

Бугунги кунда мамалакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида иқтисодиётимизнинг турли соҳаларда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларни Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шериклик агантлиги бош ташкилотчи сифатида ўзининг ташабусини кўрсатмоқда. Жумладан, агентлик томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан бигаликда 2019-2021-йилларда, 1-декабр ҳолати бўйича, жами 200 дан ортиқ давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича, жумладан энергетика соҳасида 4 та, коммунал хизматлар соҳасида 5 та, транспорт соҳасида 1 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 30 та, сув хўжалиги соҳасида 100 та, экология соҳасида 29 та, таълим соҳасида 30 та, саноат соҳасида 11 та, маданият соҳасида 8 та ҳамда спорт, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида 1 тадан, Яъни умумий қиймати қарийб 2,65 млрд. АҚШ доллари бўлган лойиҳалар устида ишлар олиб борилди.



1-расм. 2022-йилда Ўзбекистонда ДХШ асосида амалга оширилган




лойиҳалар сони (дона/та)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2022-йилда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи асосида магистрант томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки, 2022-йилда Ўзбекистонда ДХШ асосида жами 212 та лойиҳалар амалга оширилган. Шундан:

- ДХШ тўғрисидаги битими имзоланган лойиҳалар сони – 173 та;
 - ДХШ тўғрисидаги битими имзоланиш арафасида бўлган лойиҳалар сони – 25 та;
 - Тендер босқичида бўлган лойиҳалар сони – 14 та;
- Ушбу лойиҳаларни соҳалар кесимида таҳлил қилинганда:



2-расм. ДХШ лойиҳаларининг соҳалар кесмида таҳлили(дона/та)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2022-йилда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи асосида магистрант томонидан тайёрланди.

Мазкур давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини соҳалар кесимида таҳлил қилинганда қўйидагилар маълум бўлди. Жумладан:

Энергетика соҳаси: 2022 йил давомида давлат-хусусий шериклик асосида энергетика соҳасида умумий қиймати 4,2 млрд. доллардан ортиқ бўлган жами 8 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича ишлар ташкил этилган бўлиб, шундан 1 та лойиҳа бўйича инвестиция битими имзоланган:

Халқаро молия корпорацияси кўмагида Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида 1600 МВт қувватга эга иссиқлик электр стансиясини қуриш лойиҳаси бўйича тендер ғолиби бўлган “ЭДФ” (Франсия), “Небрас Повер” (Қатар) ва “Сожитз



Сорпоратион" (Япония) компаниялари консорсиуми билан инвестиция битими 2022 йил 25 март куни имзоланган (лойиҳа қиймати – 1,3 млрд АҚШ доллари; 1 кВт электр тарифи – 0,63 цент долл.; лойиҳа муддати – 25 йил).

Энергетика соҳасида 2 та ДХШ лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилмоқда ва яна 3 та ДХШ лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари якунланиб, ғолиблар эълон қилинган бўлиб, жами 5 та ДХШ лойиҳаси битим имзоланиш арафасида. Булар:

«Навоиязот» АЖ негизида Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган кимё-технологик кластери учун иссиқлик ва қуёш электр стансияларини барпо этиш лойиҳаси бўйича хусусий шерик сифатида “Элестрисите де Франсе С.А.” (Франсия), “Стоне ситӣ ИнСолар Б.В” (Нидерландия) ва “Сиеменс энергӣ глобал ГмбХ&Co.KG” (Германия) компаниялари билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилмоқда ва хусусий шерик томонидан лойиҳа консепсияси ва лойиҳани баҳолаш хужжати (ЛБХ) ишлаб чиқилмоқда (лойиҳа қиймати – 900 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Тошкент шаҳар иссиқлик марказларини когенерацон технологияларини жорий этиш орқали Давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш лойиҳаси бўйича Нидерландиянинг “Стоне ситӣ энергӣ ИИ Б.В.” компанияси билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилмоқда ва “Стоне ситӣ энергӣ ИИ Б.В.” компанияси томонидан лойиҳа консепсияси ишлаб чиқилмоқда (лойиҳа қиймати – 1 млрд АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги Бухоро вилояти Олот туманида 250 МВт қувватга эга қуёш фото электр стансиясини қуриш лойиҳаси бўйича тендер жараёнлари якунланиб, БААнинг “Масдар” компанияси 1 кВт электр тарифи учун 3,044 цент доллар таклиф билан ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битимини расмийлаштириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда биринчи марта қуввати 62 МВтлик энергия сақлаш батареяси билан амалга оширилади (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 350 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги Хоразм вилояти Хозарасп туманида 100 МВт қувватга эга қуёш фото электр стансиясини қуриш лойиҳаси бўйича бўйича тендер жараёнлари якунланиб, Франсиянинг “Волталиа” компанияси 1 кВт электр тарифи учун 2,888 цент доллар таклиф билан ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битимини расмийлаштириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 100 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликдаги Наманган вилояти Поп туманида 150 МВт қувватга эга қуёш фото электр стансиясини қуриш лойиҳаси бўйича бўйича тендер жараёнлари якунланиб, ГД Power – Powerchina» консорсиуми (Хитой) 1 кВт электр тарифи учун 4,828 цент доллар таклиф билан



ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда ДХШ битимини расмийлаштириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 150 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Шунингдек, 2022-2026 йиллар давомида энергетика соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 2 та лойиҳа бўйича тендер савдолари давом этмоқда. Булар: Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги Қашқадарё вилояти Ғузор туманида 300 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр стансиясини қуриш лойиҳаси бўйича тендернинг (талабларга мувофиқлик сўрови – РФҚ) биринчи босқичи якунланди ва келиб тушган 12 та аризадан 8 таси минимал шартларга жавоб берганлиги ва улар тендернинг 2-босқичига ўтганлиги эълон қилинди. Тендернинг 2-босқичи жорий йил 3 декабр куни эълон қилинди ва 3 ой давомида таклифлар қабул қилинади (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 210 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил);

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги Қорақалпоғистон Республикасида 200 МВт қувватга эга шамол электр стансиясини қуриш лойиҳаси бўйича тендернинг (талабларга мувофиқлик сўрови – РФҚ) биринчи босқичи 2022 йил 1 апрелда эълон қилинган ва 2022 йил 15 июля якунланди. Тендер комиссияси томонидан таклифлар баҳоланиб, тендернинг 1-босқичидан 10 та компаниялар ўтганлиги эълон қилинди. Ҳозирги кунда тендернинг 2-босқичи эълон қилиниши кутилмоқда (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 218 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Шунингдек, 2022-2026 йиллар давомида энергетика соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 4 та лойиҳа бўйича ҳужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари давом этмоқда. Булар:

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Фарғона вилоятида 100 МВт Қуёш фотоэлектр стансиясини қуриш (АДБ Солар 3) лойиҳа концепсияси 2022 йил 14 июля Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 100 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил);

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида 150 МВт Қуёш фотоэлектр стансияларини қуриш (АДБ Солар 4) (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 150 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил); Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 700 МВт Шамол электр стансиясини қуриш (ЭБРД Винд ИИИ) (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 700 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил);

Транспорт соҳаси: Транспорт соҳасида 2022 йил давомида 6 та давлатхусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилган бўлиб, шундан 1 та лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланган.

Тошкент шаҳрининг 10та кўчасида ДХШ асосида автомобилнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлар тизимини яратиш лойиҳаси бўйича “Каси Парк” МЧЖ



билин ДХШ тўғрисидаги битим имзоланди ва лойиҳа 2022 йил 22 август куни реестрга олинди (лойиҳа қиймати – 0,08 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 10 йил).

Шунингдек, 2022-2026 йиллар давомида транспорт соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 5 та йирик лойиҳалар бўйича хужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари давом этмоқда:

Жаҳон банки маслаҳат кўмагида амалга оширилаётган Тошкент-Андижон пуллик автомобил йўлини қуриш лойиҳаси бўйича Якуний Техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш учун консалтинг компанияни жалб қилинган ва Якуний Техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ишлари давом этмоқда (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 2,831 млрд АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил);

Европа тикланиш ва тараққиёт банки маслаҳат кўмагида амалга оширилаётган Тошкент-Самарқанд пуллик автомобил йўлини қуриш лойиҳаси бўйича Якуний Техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш учун консалтинг компанияни жалб қилиш ишлари давом этмоқда (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 1,37 млрд АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил);

Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари орасида 66 кмлик автомобил йўли ва Таҳтақорача довонида 4,4 кмлик туннел қуриш лойиҳаси учун маслаҳат хизматини кўрсатувчи компанияни жалб қилиш ишлари давом этмоқда (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 484 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил);

Тошкент шаҳар ва ҳудудий халқаро аэропортларни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳалари бўйича Жаҳон банки гурӯҳи томонидан ўрганиш ишлари давом этмоқда (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 3,814 млрд АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил);

Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳаси бўйича ўрганиш ишлари давом этмоқда (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 200 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Коммунал хизматлар соҳаси: Коммунал хизматлар соҳасида 2022 йил давомида 1 та ДХШ лойиҳаси бўйича ДХШ битими имзоланган. 2022-2026 йиллар давомида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган Наманган шаҳар канализация тозалаш иншоотини модернизация қилиш ДХШ лойиҳаси бўйича тендери ғолиби аниқланган ва 2022 йил 24 феврал куни тендер ғолиби бўлган Метито компанияси билан ДХШ битими имзоланди (лойиҳанинг дастлабки қиймати – 96 млн АҚШ доллари; лойиҳа муддати – 25 йил).

Шунингдек, 2022-2026 йиллар давомида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 2 та лойиҳалар бўйича хужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари давом этмоқда, жумладан:

Осиё тараққиёт банки кўмагида Тошкент шаҳар оқова тозалаш иншоотини



давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳаси бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиш битими лойиҳаси ишлаб чиқилди. Маслаҳат хизматини кўрсатиш битимини 2022 йил 20 май кунида Халқаро ДХШ давра сұхбати доирасида имзоланди. Ҳозирги кунда Осиё тараққиёт банки томонидан Асиа Пасифис Прожест Препаратион Фасилитӣ – АПЗФ” (Осиё-тинч океани лойиҳаларини тайёрлаш жамғармаси) маблағларини жалб қилиш орқали маслаҳатчиларни жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда (loyiҳaning дастлабки қиймати – 234 млн АҚШ доллари);

Осиё тараққиёт банки қўмагида Бухоро вилояти иссиқлик таъминоти тизиминим давлат-хусусий шериклик тамойили асосида модернизация қилиш лойиҳаси бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиш бўйича ҳамкорлик битими 2022 йил 3 ноябр куни ИИ Ўзбекистон иқтисодий форуми доирасида имзоланди. Ҳозирги кунда маслаҳат қўмаги битимини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда (loyiҳaning дастлабки қиймати – 150 млн АҚШ доллари).

Соғлиқни сақлаш соҳаси: Соғлиқни сақлаш соҳасида 2022 йил давомида 20 та ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган ва жами қиймати 12,7 млн.АҚШ доллари бўлган 16 та лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланган.

Маданият соҳаси: 2022 йил давомида таълим соҳасида умумий қиймати 8,9 млн. АҚШ доллари бўлган 24 та ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди ва ушбу лойиҳалар бўйича қиймати 5,8 млн. АҚШ доллари бўлган 19 та ДХШ битими имзоланган.

Шунингдек, маданият соҳасида умумий қиймати 2,7 млн. АҚШ доллари бўлган 5 та ДХШ лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилмоқда ва битим имзоланиши арафасида.

Хунармандчилик саноати соҳаси: 2022 йил давомида хунармандчилик саноати соҳасида қиймати 0,04 млн АҚШ доллари бўлган соҳасида 1 та ДХШ лойиҳаси бўйича ДХШ битими қайта имзоланди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳаси: Мазкур соҳада умумий қиймати 0,31 млн. АҚШ доллари бўлган 2 та ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилиб, ушбу лойиҳалар бўйича ДХШ битими имзоланган.

Солиқ соҳаси: Мазкур соҳада қиймати 0,02 млн. АҚШ доллари бўлган 1 та ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилиб, ушбу лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланган.

2022 йилда «Дефен Финансиал» МЧЖ томонидан ташабbus қилинган Ишончли Ҳамкор автоматлаштирилган информацион тизимни ДХШ асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лойиҳаси бўйича ДХШ лойиҳасининг битими имзоланган.

Хуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида қиймати 0,75 млн. АҚШ доллари бўлган 1 та ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилиб, ушбу лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланган.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йиларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Худоёров О.О. (2023). банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламли банк технологиларини жорий қилиш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
3. Худоёров О.О., Эргашев А.Ж. "тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг илғор хориж тажрибаси" vol. 2 no. 23 (2023): o'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/7881>
4. Худоёров О.О. (2023) Тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг илғор хориж тажрибаси. Vol. 2 No. 23 (2023): O'ZBEKİSTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/7881>
5. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигининг сайти).